



# ТАШАББУСКОРЛАР - ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР! КАФИЛИ, СУЯНЧ ТОФИ

Навоий вилояти

## ТАШАББУС ДАШТА ИШЛАШ ОСОНМАС

Нурмухаммад Эшонбеков — Нурота туманидаги «Бадал» фермер хўжалиги аъзоси.

Ўтган қисқа фурсат ичида сони 17 тага кўпайди. Бугунги кунда 135 фермер ва 11 та юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, уларга 350 гектар шартли сувли, 800 гектар лалмикор, 891 гектар яйлов ажратиб берилган. Тадбиркорлардан 20 таси чорвачиликка, 65 таси галлачиликка, 35 таси деҳқончилик, 15 таси боғдорчилик ва полизчиликка ихтисослашган.

Шартли сувли дейишимизнинг сабаби бор. Оқар сув деярли бўлмагани сабабли ота-боболаримиз қадим-қадимдан қорриш қудуқлари қазилган. Бир неча қорришлардан тўпланган сув юзага чиқарилиб далаларга оқизилган. Ҳозир бу вазифани 36 та артезиан қудуққа ўрнатилган насослар удралди.

Туманда «Сароб», «Саркор», «Фозилобод», «Ал Бунёд», «Чашма» фермерлари дашта чорвачилик ва деҳқончиликда юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини амалда ис-

ботладилар. Натижада кўплай янги иш ўринлари яратилди. Бунинг билан «Бадал» фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ўтган йили 400 бош она кўйга 400 бош кўзини ўстиришга қолдириб, бир отардан икки отар яратди. Хўжалик йилини 500 минг сўм соф фойда билан якунладик.

Бу йил 434 бош кўзини ўстиришга қолдиришни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, галла, беда ҳосилдорлиги янада ортади.

Энг муҳими, фермерликда сифат ва самарага эришишда ҳамма имкониёт яратилди. Ҳозир 2 та артезиан қудуғи ишлаб турибди. Молхона, кўрақўтонлар бор, озуқа базаси барпо этилди. Биз тайёрлаган маҳсулотларни давлат таъминот ва тайёрлов идоралари орқали сотиш йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 январдаги 11-сонли қарори асосида фермерларнинг билим ва малакасини оши-

риш мақсадида 10 кунлик ўқув машғулоти ўтказилди. Фермерлар аттестациядан ўтказилиб, улар қайта рўйхатга олинди.

Туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий дон хиссадорлик жамиятидан 455 тонна дон сотиш шarti билан 155 тонна кузги бугдой уруғи олиниб, шартли майдондаги фермерларга тарқатилди. Аммо лалмикорликда ишлаётган тадбиркорлар ҳар йили уруғлик излаб сарсон-саргардон бўлишмоқда. Бунинг натижасида амалдаги 250 гектар ўрнига зўрга 180 гектар ерга уруғлик топишди. Муаммо фақат бу эмас, ҳар йили экин экишдан уни йиғиштиришгача бўлган даврда фермерга техника етишмайди. Хўжалик юмушидан ортсагина фермерга навбат келади. Шунинг учун ҳам уюшма қошида база яратиш, МТП очишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Дашта деҳқончилик қилиш осон кечмайди. Ер ости суви қудуғига уланган электр энергияси айна керак пайтда турли сабаблар билан тез-тез узиб қўйилмоқда. Бу ўз навбатида ҳосилдорликнинг пайсасишга сабаб бўлмоқда. Шу каби масалалар ечимидан туман раҳбарлари тезкор ёрдам берсалар, айна мудоа бўларди.



ҚУЛАЙЛИК

Қосим Қобилов номили ширкат хўжалиги маъмурияти қишлоқни саноатлаштириш масалаларига биринчи галдаги вазифа сифатида қарамоқда. Чунки кичик корхоналар қанча кўп барпо этилса, иш ўринлари сони шунча ортади.

Эндиликда хўжалик деҳқонлари етиштирилган

мева ва сабзавот маҳсулотларини шу ернинг ўзида қайта ишлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу билан ортиқча оворагарчилик, чиқимларга барҳам берилди. Мазкур цех шу ҳудудда яшовчи аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга, улар узогини яқин, мушкулани осон қилмоқда.

Навоий вилоятида ўтган йил бошида 1250 фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир улар сони 1332 тага етди. Шундан 920 таси деҳқончилик, 236 таси чорвачилик, 236 таси боғдорчилик, узумчилик, 34 таси сабзавот, картошка, полизчилик, 5 таси балиқчилик ва бошқа соҳаларда иш юритишмоқда.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

гектари яйлов, 604 гектари лалмикор майдонлардир.

\*Ўтган йилда вилоят фермерлари 467 тонна гўшт, 2561 тонна сўт, 259 минг дон тухум, 20500 килограмм жун, 1237 дон қорақўл тери ишлаб чиқардилар.

Ишбилармонлар амалда юқоридаги кўрсаткичларни янада яхшилашни режалаштириб, шунга яраша астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ер майдони ажратилган бўлиб, шундан 15634

## «Туркистон» саройида ўтказилган тадбиркорлар анжумани республика «Ташаббус-2000» танловига якун ясади.

Давлат мулки кўмитаси, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Ўзтадбиркорбанк», шунингдек, «Мадад» сугурта агентлиги ва бошқа бозор инфратузилмаси идоралари ушбу кўрик-танлов ташкилотчилари ҳисобланган.

— Мамлакатимиз вилоятларида ўтказилган «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг моҳир хунарманд» каби танлов турларидан

«Туркистон» саройида ўтказилган тадбиркорлар анжумани республика «Ташаббус-2000» танловига якун ясади.

«Аёллар йили» муносабати билан 1999 йилда «Энг яхши тадбиркор аёл» танлови киритилди.

дан тайёрланганини айтиб ўтиш лозим. В.Саломовнинг айтишича, Барча вилоятлар ҳамда Ташкент шаҳри буйича кўрик-танлов ўтказиб бўлинди. Ҳар бир вилоятдан голиб

«Нексия» ва «Тико» автомашиналари билан тақдирландилар. Қолган қатнашчиларни ҳам қимматли совғалар кутмоқда.

«Бизнес-фонд» танловнинг барча босқичларида фаол қатнашиб келди, айниқса, танловни уюштириш ва голибларни рағбатлантириш ишларини яхши йўлга қўйди. Чунинчи, шу мақсадда 5 миллион сўм, вилоятлардаги шохбачаларимиз томонидан эса 150-200 минг сўм ажратилди, — деди Владимир Саломов пировадиди.

## ТАДБИРКОРЛАР «ТУРКИСТОНДА» БЕЛЛАШАДИЛАР

бизнесни қўллаб-қувватлаш республика фонди бўлим бошлиғи Владимир Саломов «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда. — Тадбиркорларнинг «Та-

бу йилги республика кўрик-танловиди, «Энг ёш тадбиркор» танловини ҳам ўтказишга қарор қилинди. Голибга берилган совға айнан Бизнес-фонд томони

бўлган 14 та «Энг яхши тадбиркор», 14 та «Энг яхши фермер», 14 та «Энг яхши хунарманд» танловда ўз меҳнат намуналарини кўргазмага қўйишди. «Магиллар

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Қизилтепадаги «Хатича» хусусий миллий хунармандчилик фирма жамоаси аъзолари томонидан тайёрланган ранг-баранг сўзана, каштачилик маҳсулотлари нафақат Навоий вилоятида, балки республикамиз ташқарисидида ҳам маълумдир. Чунки, ўз касбининг усталари меҳр ва қалб қўрларини қўшиб тиккан буюмлар ўзининг жозибаси билан ажралиб туради, латофати ила кўзингизни қувонтиради. Уларда момоларимиз орзулари, боболаримиз умидлари, фарзандларимиз миннатдорлиги, ўлкамиз таровати, фусункорлиги нақшлангандай гўё.

Суратда: (чапдан) фирма раҳбари Хатича Воҳидова ўз шогирдлари даврасида.

И.ХАСАНОВ олган сурат.

## ТАКЛИФ ТАЛАБ — ЭҲТИЁЖ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

Атоқул Файзиев — Қизилтепа туманидаги «Зарафшон-97» фермер хўжалиги раҳбари.

Фермерлик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатга муносабатни яхшилашнинг энг қулай ва афзал воситаси экани амалда исботланди. Ҳеч кимга сир эмас, ўтган йили туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси буйича 331 тонна пахта, 1866 тонна галла етиштирилган бўлса, унинг анчагина қисми ўртақчиллик фермер Бахшулло Арслоновнинг «Бахшулло» фермер хўжалиги улушига тўғри келди. Бу тиниб-тинчимас тадбиркор бош бўлган жамоа 1999 йилда 276 тонна пахта, 250 тонна дон тайёрлашга эришди ва галлачиликда чўлда биринчи марта гектаридан 50 центнердан ҳосил олди. Шунингдек, «Самандар бобо», «Олим бобо» фермер хўжаликлари ҳам деҳқончиликда юқори натижаларга эришдилар.

Чорвачилик соҳасида эса «Кўзижон», «Шавкат», «Ўзбекистон», «Бахт-98» фермер хўжаликлари эришган ютуқлар айниқса салмоқли бўлди. Масалан, Рўзимурод Бердиев раис бўлган «Кўзижон» фермер хўжалигида қорамоллар сони 150 бошга етказилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш анчага кўпайди. Жумладан, сўт ишлаб чиқариш 27,7 тоннага етди. Шунингдек, бизнинг «Зарафшон-97» фермер хўжалигида бугунги кунда 80 бош қорамол, 120 бош қўй-эчки, 50 бош чўчка боқилмоқда. Эрта-индин улар сони янада ортади.

Галлачиликда ҳам ҳар йили кўзланган натижаларга эришяпмиз. Дарвоқе, ҳосилдорлиги аранг 7-8 центнерни ташкил этган майдонлардан ўтган йили 35 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, бу йил 40-50 центнерлик маррани мўлжаллаяпмиз. Бунинг замирида ҳеч қандай сир йўқ. Фақат ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш керак, холос.

Фермер хўжаликлари сони 1998 йилга нисбатан 99 тага кўпайгани эса одамларда ишга, фермерликка ҳавас ва иштиёқ кучайганидан далолат беради.

«Табиат саховати», «Саттор Ибрагимов» деҳқон хўжаликлари кичик майдонлардан юқори ҳосил олишда бошқаларга ўрнак кўрсатдилар. Очигини айтганда, фермерлик иши ҳали шу куннинг талаблари даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди. Табиийки, ўзимизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, фермер хўжалигининг эмга бўлган талабини қондириш қончарқисиз аҳволда. Биргина мисол: ўтган йили Косон ёғ-мойни қайта ишлаш заводидан уюшма фонди буйича 40 тонна ем, 40 тонна шулка олиш белгиланган эди. Лекин завод фонд йўқлигини рўқач қилиб талабни рад қилди. Хуллас, йил давомида уюшма томонидан фермерларга бор-йўғи 15 тонна ем тарқатилди, холос. Аслида бу ем билан ҳатто бизнинг фермер хўжалигимизнинг эҳтиёжини ҳам қондириб бўлмайди. Шундай экан, ҳар бир фермер талаб-эҳтиёжи алоҳида эътиборга олинса дейман. Фермернинг ажратилган ёрни заводдан ўз отарига етказишда бошидан кечирадиган саргузаштлари, қийинчиликларини гапирмай ҳам қўяқолай, «Айтсам тилим — айтмасам қилим қуяди», дегани шу бўлса керак-да. Уюшма қошида фермерларга хизмат кўрсатувчи база, МТП ташкил этилиб, митти тракторлар билан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилса, айна мудоа бўларди.



Мулқдорлар синфининг истиқболли вакиллари

## ЎЗ ЕРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ХЎЖАЙИНИ

Туманда шу кунларда 104 нафар фермер хўжаликлари ишлаб турибди. Туман ҳокимлиги ва туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 январдаги бозор шароитларида қишлоқ хўжалигини слоҳ қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини мақсадли ўқитиш тўғрисидаги қарори асосида ҳар ҳафта шанба кун «Фермерлар кун» деб белгиланди. Фермер хўжаликлари раҳбарларини ўқитиш ташкил этилди. Бундан мақсад биринчи-

дан фермер хўжаликларида қонун ва қарорларнинг бажарилишини таъминлаш бўлса, иккинчидан улар ихросини таъминлашда тугилаётган муаммоларни фермер хўжаликлари хизмат қилувчи мутасадди ташкилотлар иштирокида ечиш ва улар ишини мувофиқлаштириш назарда тутилди. Туман фермерлари 1999 йилда бурноғи йилга нисбатан барча соҳаларда маҳсулот етиштиришни анча оширишга эришдилар. Жум-

ладан, деҳқончиликда «Аликул», «Умид», «Чордара» фермер хўжаликлари 50 центнердан галла етиштирилган бўлса, чорвачиликда «Сарсен», «Одил», «Тошбиби», «Сари жайлау», «Бирлик» фермер хўжаликлари хизмати салмоқли бўлди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси туман бўлими томонидан ўтказилган кўрик-танловда «Шалкор» фермер хўжалиги биринчи, «Одил» фермер хўжалиги иккин-

чи ўринни эгаллади. Бироқ ҳамма фермер хўжаликлари ҳам бирдек изланди, имкон қидирди, деб бўлмайди. Бошланган ҳар бир хайрли ишда бўлганидек, айрим кишиларнинг қийинчиликларни бартараф этишда шошиб қолганликлари, баъзиларнинг эса бу соҳага адашиб кириб қолганиги, тадбиркорликка ноқобиллиги сабабли бир қатор фермер хўжаликлари мол туёқ сонини камайтириб юбордилар. Жумладан «Турмаҳонов»,

«Қайрат», «Жулдибаев», «Қора-кожа», «Қасиёт» фермер хўжаликларида «Фермер хўжалиги» тўғрисидаги қонуннинг 5-моддаси талаблари бузулишига йўл қўйилди. Қонимехликлар азал-азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келади. Бинобарин, бу ерда фермерлик фаолиятининг асосини ҳам шу тармоқ ташкил этади. Шунинг учун ҳам туман фаоллари семинар-кеңашида фермер хўжаликлари фаолиятини

## Кўрик-танлов голиблари МУКОФОТ ОЛФА УНДАДИ

Даврон Қодиров  
Навбахор туманидаги «Бешрабат» фермер хўжалиги раҳбари

Туманимизда деҳқон хўжаликлари сони 20 дан ошди. Фермерликда асосий тармоқ деҳқончилик ва галлачилик бўлиб турибди. Афсуски, ҳали паррандачилик йўналишида иш бошлай олганимизча йўқ.

Яқинда бўлиб ўтган «Ташаббус-2000» кўрик-танлови фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда имкониятлари жуда катта эканини кўрсатди. Унда бизнинг «Бешрабат» фермер хўжалигимиз голибликни эгаллаб, қимматбахо буюм билан тақдирланди ҳамда вилоят кўрик-танловидида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шуниси қувончлики, эришайтган ютуқларимиз тобора сезилмоқда. Жумладан, ўтган йили 158 тонна ўрнига 173 тонна пахта, 225 тонна ўрнига 250 тонна галла тайёрлашга эришдик. Фермерлар билан алоқанинг яхшилишини уюшма буйича 2500 тонна пахта, 2050 тонна дон тайёрлаш имконини яратди. Фермерларни ўғит, ёқилги-мойлаш материаллари билан таъминлашди.

Бу йил янада баҳамжиҳат ишлашга келишиб олдик. Шу асосда 3850 тонна пахта, 6200 тонна дон, 120 тонна картошка, 135 тонна сўт, 13 тонна гўшт, 1 тонна пилла тайёрлаш бизнес режаси белгиланди.

Шуни қониқиш билан қайд этишимиз керакики, уюшмамиз қошида МТП негизи яратилди, дастлабки хайдов трактори олинди. Яқин кунларда қатор ораларига ишлов берадиган 9 та хайдов тракторига эга бўламиз. Биз энди ўз «Магнум-имизга» — МТПникидек 5 минг эмас, 3,5 минг сўмдан ҳақ тўлаяпмиз. Ҳам тез, ҳам сифатли, ҳам арзон иш бажарилиши ҳар бир тадбиркорни қувонтирапти.

Фермерлик фаолиятини йўналтиришдаги қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, топширилган пахта пули вақтида келиб тушмаслиги, банкдан пул олишда ҳамон сунъий тўсиқлар борлиги, транш асосида ўғитга, техникага ажратилган пул галла экиб бўлингандан кейин келиб тушиши, шартнома шартларининг вақтида бажарилмаслиги каби ноҳуш ҳолатларга барҳам бериш лозим. Шунингдек, озуқа, шулка ажратиш ва истеъмолчиға бориб етгунча бўладиган қийинчиликлар тугатилса ишимиз унуми янада кўпайган бўларди.

йўналтиришда чўл шароитининг ўзига хосликлари ҳақида гапирилди ва қатор тақлиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Жумладан, жаҳон бозорига чорва хом ашёси (қорақўл тери, жун, хом тери) чиқариш учун лицензиялар берилишини таъминлаш, артезиан қудуқлари қазилар ва яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида давлат тасарруфидига корхоналарни ташкил этиш борасида алоҳида гап борди. **Йўлдошбой ТОЙИРОВ,** Қонимех туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.

# МИЛЛИЙ МАФКУРА - ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

Дил сўзлари

**Ҳамма давр учун муқаддас ва азиз нарсалар бўладики, у инсонни маънавий юксакликка, ўзликка чорлаб туради. Бу замин у замонни, эзгулик ва покликни, илм-маърифатни авлоддан авлодга етказувчи бобомерос қадриятлар ва миллий мафқурадир.**

Оқсарой қароргоҳида тарихчи олимлар, файласуф, социолог, психолог, педагог, адабиётшунос ва адибу журналистлар иштирокида ўтган йилги илмий асосий мақсади жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафқурага бағишланди. Президентимиз Ислоом Каримовнинг ушбу анжуманда сўзлаган нутқи республикамиз маърифат ахли, барча фуқаролари томонидан қизгин кутиб олинди.

Йўлбошчимиз томонидан миллий мафқуранинг ҳаётиимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафқуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқишдаги йўналиш ва тамойиллар жамоатчилик ўртасида, илм-маърифат ахли, ёшлар давраларида, корхона ва ташкилотларда, касаба уюшмалари кенгашларида кенг муҳоказалар этилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

## ЧИНОР ИЛДИЗИДАН ЧИНОР КЎКАРАР

Дарахт ўз шохларини қанчалик қўйшага томон юксалтирса, унинг илдиэлари ҳам ерга шунчалик чуқур кириб боради. Неча минг

асрга эга бўлган ўзбек миллий давлатчилиги ҳам шундай азим чинорга ўхшайди. Биз сарчашмалари ана шундай бақувват чинорларнинг илдиэларимиз. Рухимизда, жисми-жонимизда, муқаддас она заминимизда доно бобокалонларимиз руҳи-равони, покиза қони бор. Аслида маънавий аҳдоқларимиз қолдирган мерос.

Сайқалланмаган кўнглини худбинлик эгаллайди, қалб кўзини кўр қилиб қўяди. Қалб кўзи беркилган инсонлар ўзлигидан, ўзакларидан айрилиб, манзилларидан адашиб, маънавий қашшоқликка учрайдилар.

Кўнгли кўчалари қайга бошламайди, дейсиз. Аслида доноларимиз бу иборани адашган, алданган, маънавий қашшоқ кимсаларга қарата айтганлар. Йўлбошчимиз «Гояга қарши гоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» кераклигини қайта-қайта уқтириб келмоқдалар.

Аслида эркак, озодликка эришишимизнинг ўзи маънавийтимизнинг олий кўринишидир. Зеро, 130 йил алдоқ исканжасида яшадик. Ўз мулкимизга, ўз еримизга, ўз даромадимизга ўзи-

миз хўжайинлик қилолмадик. Мустақиллик туйфайли ўзлимизни англадик, кўнгли кўзимиз очилиб, дунёга боқдик. Дунё билан бўйлашмоқ, дўстлашмоқ учун олдимизда турган улкан юмушлар - сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий соҳалардаги вазифаларимизни ҳал этишга киришдик. Бу юмушларни фақат ўзимиз удалашимиз кераклигини англаб етдик. Пахтаимиз, тиллаимиз, толганитутганимиз ўзимизга буюрди. Қудратли корхоналар барпо этиб, ўзбек номи билан дунёга чиқдик. Бундай ютуқларга биз қонимизда яшаётган алломалар мероси, яъни миллий маънавийтимиз орқали эришдик. Инсонпарвар жамият барпо этар эканмиз, энди бизга миллий мафқура, миллий гоянинг асосларини ўрғатувчи мафқуравий тарбия ўчоқлари лозим. Миллий мафқуранинг шакллантиришда эса ҳар бир кишида тарихий хотира бўлиши керак.

Тарихий хотира инсоннинг кимлигини англайди, ўтмиши ва келажаги ҳақида мушоҳада этишга чорлайди. Биз ўзбеклар эса юксак маънавият ва маданиятга эга халқимиз. Она шахрим Бухоро, Шарқ гавҳари Хива, дунёнинг сайқали Самарқанддаги минораю, мадрасалар, бобокалонларимизнинг бой мерослари бунга гувоҳ. Қарангиз, XIX асрнинг охирида Бухорода бўлган сайёҳ ва дипломат Хаников бу муаззам шахарнинг меъ-

морчилиги ва маданиятига, хунармандчилиги ва илм-маърифатига қойил қолган. Ёки XVI асрда шариф шаҳримизга келган европалар дипломат Анатолий Женкинсон бу ердаги ҳаммомларга ҳайратланиб, «Дунёда ҳали бунақаси бўлмаган» деб ёзиб қолдирган. Ана шундай бой маданият ва маънавиятга эга бўлган шахарларимиз ҳам истилочлар томонидан камситилди.

Фақат истиқлол туйфайли мафқура, маданият ва маънавият ҳақида чуқурроқ ўйлай бошладик. Республикамизда шахнинг маънавий баркамоллиги давлат аҳамиятига молик масала деб қаралди. Унинг ташаббускори бўлиб Юртбошимиз майдонга чиқдилар. Маънавий баркамол инсонни тарбиялаш зарурияти ва аҳамияти қайта-қайта таълиқланди.

Ҳа, маънавий уйғоқ халқ энгилмас, қудратли ва ватанпарвар бўлади. Дунё миқёсида фикрлайди, воқеа ва ҳодисаларни миллий ва умуминсоний мезонлар асосида мустақил баҳолайди, замон билан ҳамқору ҳамдамликда олға интилади, худлас, ҳар дамда ўзини-ўзи имтиҳон қилади. Бу эса маънавий асоси ва иймон кўзгусидир. Мен учун «тарихи минг асрларга тенг она Бухором миллий мафқура, ўзлимизни танитувчи мунба. Ишдан ҳориган дамларимизда Бухоро кўчаларини айланаман, Минораи Калон қаршида қаддим тик-

ланади, муборак Масжиди Калонда руҳим покланади. Улардан куч ва руҳий қувват олиб, тариқат илмининг донишманди Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг хоки-пойларини зиёрат қиламан. Кўнглимни ҳазрат авлиёнинг «Дил ба ёру даст ба қор» деган ҳикматлари ёритади. Ҳар гал зиёратдан кейин ишим баракали бўлиб, қанча меҳнат қилмай чарчамайман.

**Мартия РАҲМАТОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## ЮРТНИНГ ЁНИҚ ЧИРОФИ

Миллий гоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади. Аслида халқни халқ, миллатни миллат қилади, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан ёритадиган ҳам мафқурадир.

Ватан, миллат тақдирини оид масалалар ҳал бўладиган ҳолатларда Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччиқ-чучугини билиш керак. Негаки, тарих, маънавий мерос бизнинг ўзлимиз, демократик, инсонпарвар жамият барпо этиш йўлидаги суянган тоғимиздир. Тарихи йўқ халқнинг келажаги бўлмайди.

Маънавий меросимиз эл эса қанотсиз кушга ўхшайди. Ганимларимиз узок йил шунинг учун ҳам бизни тарихимиз, қадриятларимизда айри яшаши маҳкум этишди. Фақат истиқлол туйфайли бобокалонларимиз таълимотлари, маънавий мерослари халқ мулкига айланган. Биз уларни ўрганиш билан ўзлимизни танидик, юракларимизда ўзлик, ўзбеклик гурур ва ифтихо-

ри уйғонди. Миллий давлатчилик салоҳиятини Амир Темури даҳосидан олган бўлсак, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Фарғоний, ат-Термизий, ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Зағни ота каби тариқат ва маърифат аҳлидан инсонпарварликни ўргандик. Аммо ганимларимиз ҳам йўқ эмас.

Шундагина карвонимиз бежавотир эзгу манзилга етади. Ҳа, бугун замон ўзгарди, иқтисодиёт юксалиш силсиласида турибди. Халқаро ҳаёт, кишилиқ тариққийети шундай босқичга кирганки, маърифат ва маънавият, ақл ва тафаккур ҳал қилувчи рол ўйнай бошлади. Шунинг учун Юртбошимиз «Куч - билим ва тафаккурда» деган гояни илгари сурдилар.

Шу ўринда анчадан бери мени ўйлатиб келаётган бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Мустақиллик туйфайли тадбиркорликка, ишбилармонликка йўл очилиб, юзлаб-миглаб бой-бадавлат фермерлар, ишбилармонлар пайдо бўлди. Маълумки, дини исломда ҳам ўзига тўқ одамлар бойликларининг маълум бир қисмини бева-бечораларга закот беришган. Бунинг ўзи иймон ва виждонлари олдидаги катта фарз ва қарз деб билинган. Бугун бу эзгу иш замонавий бойларимиз томонидан қандай амалга оширилмоқда? Афсуски, ҳамма ерда иш кўнглидагидек, деб бўлмайди.

Ҳа, маънавий баркамол инсон элининг, юртининг ёниқ чироғи, унинг шўласидан халқнинг маънавият, маърифат йўли ёришади.

**Бўлтак САИДУРОДОВ, Жомбой тумани, кекса педагог.**

## Ижтимоий

### ҲИМОЯ

Республикамиз Президенти Ислоом Каримовнинг Фарғона вилояти Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, фарғоналиклар ўзлари учун тегишли хулосалар чиқардилар. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, эркинлаштиришга гав бўлаётган муаммоларни ҳал этиш йўллари изчил амалга оширилипти.

Шу муносабат билан вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича тузилган Битимнинг татбиқ этиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

## ҲОКИМЛИК БИЛАН ҲАМҚОРЛИК

Туб ислохотлар талабларини изчил амалга ошириш, иш ҳақлари ўз вақтида берилишини назорат этиш, ишчиларга кўшимча энгилликлар яратиш, маънавийтни юксалтириш, касаба уюшмаларини жамият ҳаётига таъсирини кучайтириш, ваколат ва ҳуқуқлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун мавжуд имкониятларни кенгроқ ишга солиш лозимлиги кун тартибидagi асосий масалалар сифатида муҳокама этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Алишер Отабоев ва барча шахар, туман ҳокимлари ҳамда вилоят фаоллари иштирок этишди. Унда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Аҳат Мансуров чиқиш қилди. У саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида, айниқса фуқаролар турмуш шароитларини яхшилаш, янги иш ўринларини ташкил қилишдек долзарб масалаларда ҳал бўлмаётган муаммолар, қатор камчиликлар мавжудлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, жойларда жамоа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш ва шунга ўхшаш муаммоларни вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари билан биргаликда ҳал этишга келишиб олindi.

**Ориф УЛМАСОВ, «Ишонч» мухбири.**

## «Ишонч»га жавоб берадилар ГАЗЕТХОН ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Олтинсой туманидаги «Кўшчинор» ширкат хўжалигига қарашли Тўхтамиш қишлоғида яшовчи фуқаро Турғун Рўзиев тахририятимизга хат йўллаб, ажратилган ер майдонларидан фойдаланишдаги низоли масалаларни адолатли ҳал этишда ёрдам кўрсатилишини сўраган эди.

Тахририят газетхон талабини қондириш ниятида мазкур хатда кўтарилган масалаларни текшириб, тегишли чора-тадбирлар кўриш учун Олтинсой туман ҳокимлигига юборганди. Қуни-кеча туман ҳокими Р.Алимов имзоси билан олинган жавоб хатида маълум қилинишича, фуқаро хати атрофлича ўрганиб чиқилган. Иккала ижарачига тегишли майдонлар чегарасига аниқлик киритилиб, муаммо келишмовчиликка чек қўйилди. Газетхон хатидаги «Ижарачи Отакул Набиев хўжалик билан тузилган ўзаро шартнома шартларини бажармай, жамоа иқтисодиётига зарар келтирган» деган далил текширишда тасдиқланди. Ушбу масала бўйича тўплаган материалларни ўрганган туман прокуратураси фуқаро О.Набиевдан етказилган зарарини хўжалик фойдасига тўла ундириб берди.

Шунингдек, жавобда аризаичи текшириш жараёни ва кўрилган чоралардан қониқиб ҳосил қилгани ҳам баён қилинади.

## Муаммо кўндаланг қўйилади

**Бозор талаби қатъий. Бундай шароитда омилкор, ташкилотчи, қатъиятчи, айни пайтда масъулиятни зиммасига ола биладиган кишиларгина ибратли фаолият юритишлари мумкин. Бироқ, кузатувлар шунинг кўрсатмоқдаки, баъзи туман, корхона, муассасаларнинг раҳбару мутахассислари ҳал қилувчи дамларда лозим даражада ҳаракат қила олмаяптилар. Муаммолар ўз ечимини топмаяпти, меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, қишлоқларни ободонлаштириш, кўшимча ишчи кучларини хизмат соҳасига кўчириш юзасидан белгиланган тадбирлар тўласинча амалга оширмапти. Бунинг қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин.**

Шахрисабз буюк зотлар дунёга келган табаррук маскан. Бир вақтлар тумандаги ибратли ишлар, хусусан, иқтисодиётни юксалтириш борасидаги тахрибалар эътиборга тушганлиги сир эмас. Аммо таъкидлаганимиздек, сўнгги вақтларда бу ерда иш муайян даражада орқага кетди. 29 нафар киши имзоси билан тахририятимизга йўлланган мактуб билан танишиш, жойларда бўлиб мутасаддилар билан фикрлаш ҳараёнида бунга ишонч ҳосил қилдик. Масалан, қатор корхоналар қарзга ботиб, ишчилар мажбурий таътилга чиқариб юборилган. Мингдан зиёд ишчи-хизматчи фаолият юритаётган корхоналар ишбилармонликнинг йўқлиги сабабли хувиллаб ётибди. Айниқса, қўли гул хотин-қизлар ишсизликдан қийналишмоқда.

Биз «Хужум» бадийи буюмлар ишлаб чиқариш фабрикасида бўлдик. Фақат шахрисабзликларгагина хос бўлган нафис санъат эгалари томонидан тайёрланган сержилло буюмлар ҳажонни лоқ қолдирганилиги сир эмас. Афсуски, фабрикада иш тамоман орқага кетди. Илгарилиги бу ерда 1700 нафардан ортиқ киши меҳнат қилган бўлса; айни пайтда ишчи-хизматчилар сони 250 нафарни ташкил этмоқда.

Имкониятлар анча чегараланиб қолди, ойлик маошларимиз камайиб кетганлиги боис, кўпчилик фабрикани тарк этди. - Фикрини ифодалайди баш муҳандис Саодат Васиева. - Шунингдек, илгари тасарруфимизда учта болалар боғчаси бор эди. Ҳозир уларнинг икитасини бошқа ташкилотларга бериб юбордик.

«Хужум» фабрикаси узок йиллик тарихга эга. Айни пайтда у вилоят маҳаллий саноат корпорациясига бириштирилган. Муаммолар кўпайиб, иш торабга орқага кетаётганлигининг сабаби - юқорида таъкидланганидек, мутасаддилар бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлай олмадилар. Фабриканинг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган кадрлар билим ва малакасини ошириш, қўлай иш шароитларини яратиш, меҳ-

натни қадрлаш каби тадбирларни амалга оширишга вақтида лозим даражада эътибор қаратилмади. Энг ажабланишлики, киши кўзини қувонтирадиган маҳсулотларнинг сотиш ҳам сансалорга айланмоқда...

## ФАБРИКАНИНГ ХУВЛИГА АН ЦЕХЛАРИ

Туманда уч заводи қурилмиш, деган хушхабар тарқалганда ёш қари чексиз қувонганди. Ахир, ун ҳар бир хонадон учун энг керакли неъмат.

Негадир муҳим корхона қурилиши қўзилиб кетди. Мутасаддилар у-бунинг баҳона қилмай, ун заводини вақтида ишга туширганлариди, ун Шахрисабзда тақчил бўлмаган, учар тадбиркорлар бундан фойдаланиб, бир ҳол уни қимматга пулламаган бўлишарди. Биз шахар марказидаги бир нечта озик-овқат дўконларида бўлдик. Биронтасида ун йўқ эди. Бу аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шаҳар шифохонаси тасарруфиди замонавий турғуноҳа қурилиши бошланганига қарийб саккиз йил тўлай деб қолди. Сабабининг суриштирсангиз, турли «узр-ли сабабларни рўқаб қилшадди. Агар шу кетиш бўлса, яқин вақт ичиди қад рўстлаётган бино гишлари нураб, катта маблағ ҳавога совурилади.

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқиди одамлар дардига малҳам бўлиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш масалалари раҳбарлар фаолиятининг ҳаммиса диққат-марказида бўлиши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Бахтга қарши

Шахрисабзда бу борада ҳам кўнгли тўлмаётган жиҳатлар кўп. Масалан, туман марказида 31 та, қишлоқларда 16 та маҳаллалар рўйхатга олинган бўлса-да, уларнинг биронтасида замон талабига жавоб бера оладиган гузар йўқ. Айнан шу маҳаллаларда бўлиб, ёшлар, нуруний отахонлар, уй бекалари билан дилдан суҳбатлашдик. Улар ёшлар, хотин-қизлар учун тижик-бичиш цехлари, кичик корхоналар очиб пайсалга солиб келинаётганлигини танқид қилишди. Ахир, бу ердаги инсонлар қўли гул, улар аҳойиб хунарманд, каштадўз, миллий санъат сирларини пухта эгаллаган нозик дид эгаси эканликларини аллақачон исботлашган. Фақат фаолият учун, ижод қилиш учун етарлича имкон топилмаяпти.

Худудий хунармандлар уюшмаси раҳбари Гулнора Одилова миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги муаммоларга тўхталаркан, туман раҳ-

барлари жой ажратиб беришмаётганлигини, «бугун кел, эртага кел» деб овозга қилишмаётганлигини ўқиниб гапирди. «Шарқ» маҳалласида истиқомат қилаётган 72 ёшли Бўри ота Омонов, «Шерозий» кўчасидаги 65 ёшли фуқаро Панжи Хўжақулов, «Кундузак» кўчасида яшаётган 66 ёшли Сайид бобо Хайитов, нуруний Муаззам Имомоваларнинг фикри ҳам бир хил: газ, электр энергияси таъминоти яқин эмас, Қишлоқ оқшомлари зерикарли. Ёшлар бекорчиликдан баъзида нима қилишларини билмай қоладилар.

Мустақиллик шарофати туйфайли ёшларни баркамол, бахтли, соғлом инсонлар этиб воьнга етказишда кенг имкониятлар яратилди. «Таълим тўғрисида»-ги Қонуни, «Миллий дастур»нинг қабул қилинганлиги бекиёс аҳамият касб этди. Меҳрибон Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир туманда касб-хунар коллежлари қуриш, академик-лицейларни барпо этишга кенг йўл берилди.

Адолат юзасидан айтганда, Шахрисабзда дастлабки кез-



лар бу ишга изчил киришилди. Муайян ишлар амалга оширилди. Бироқ ҳар қандай хайрли иш пухта режа асосида амалга оширилиши, маблағлар расамади билан тақсимланиши лозим. Бирқаламалик, ҳайбаракаллачилик панд берган кўринади. Яна мисолларга эътиборни қаратайлик. Ўтган йили тумандаги Қатагон қишлоғида қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган касб-хунар коллежи лойиҳа-сметаси тузилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилганди. Бироқ бунёдкорлик ишлари ярим йўлда тўхтаб қолди. Энди айбни бўйнига оладиган мард йўқ. Боз устига, 2003 йилгача Шахрисабзда 16 та коллеж қуриб битказилиб, илм масканлари минглаб ёшларни ўз бағрига олиши режалаштирилган. Амалда эса шу кунгача долзарб ишнинг учдан бири ҳам бажарилмаган.

Биз юқорида таъкидлаган хат муаллифларидан бири «Абдусамат» кўп тармоқли савдо фирмаси раҳбари А.Шоймардонов фаолияти билан қизиқдик. У мутахассислар томонидан ажратиб берилган ташландик жойни обод этиб, ёниги қўйиш шохобчаси барпо этган. Шунингдек, машиналарда тупроқ ташиб келиб, етмиш хилдаги меваги кўчатлар ўтказиб боғ яратган.

Келажақдаги режалари ҳам чакки эмас. Агар ёниги қўйиш шохобчаси тезроқ ишга туширилса, келгуси йилдан оқ туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорлик қилиб, яқингина мактаб қуриш ният қилинган. 15 нафар кам таъминланган оилаларни оталиққа олиш, ёрдамга муҳтож 20 нафар оила фарзандлари учун stipendия жорий этиш, маҳаллаларни обод қилишга ҳўсса қўйиш ва ҳоказо. Таажубики, иш битиб, амалий фаолиятга киришаман деганида тадбиркорга туман ҳокимлиги негадир тўсқинлик қилмоқда...

Юқорида зикр этилган тариққийта тўғноқ бўлаётган, одамларнинг янада яхшироқ ўшашларига халақит бераётган, ишсизликни кўпайтираётган камчиликлар, муаммолар ҳеч кимни бефарқ қолдирилмайди. Туман ҳокимлиги, корхоналар, хўжалиқларнинг раҳбару мутахассислари меҳнаткашлар ҳақли эътирозига қулоқ тутиб, фаолиятларини танқидий нуқтан назардан кўриб чиқишлари, иқтисодиётни юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликка кенг йўл беришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишлари лозим. Ахс ҳолда, ишонч оқланиши қийин.

**Абдусами ХАКБЕРДИЕВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.**

# Шахсий архивдан топилма! ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ

бундан юз йил муқаддам илк бор миллий кинога асос солган эди


Кинематографиямизнинг қалдирғоч арбоби, қатагон йилларнинг қурбони хоразмлик кинооператор Худойберган Девоновнинг оғир кечмиши, фаолияти ва фожиясига тааллуқли янги ҳужжатлар топилганини эшитдик ва профессор Ҳамидулла Акбаровдан бу хабарни шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Урта Осиёда биринчи бўлиб қўлига камера олган, ўлкамизнинг 80-90 йил олдинги қиёфасини тасмаларга муҳрлаб қолдирган Худойберган ота Девонов ҳақида рисо-лангизда, ҳужжатли филмларингизда, мақолаларингизда ҳикоя қилганингиздан кейин ҳам қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо сизнинг ота ҳаётига бўлган қизиқшингиз ортса ортдики, камайгани йўқ.

— Ҳибсада бўлган, қатл этилган шахслар ҳақидаги маълумотлар одатда мисқоллаб йиғилади. Хусусан, Худойберган Девоновнинг уйи тинтув қилинган, тайёр филмлар, фотосуратлар, хатлар, турли ёзишмалар, суратга туширилган, лекин химикатлар билан қайта ишланмаган тасмаларнинг кўп қисми ҳали топилмагани тўғрисида бу йўлдаги изланиш давом этиши табиий. Кейинги йилларда топилган кадрлардан айримлари Исфандиёрохнинг набираси Хивада, хон саройида юришини айнан намён этди. Уша даврда сарой, баҳайбат дарвозаларнинг кўриниши, хон набираси кийган миллий либос, сарой ақлининг бу зотга бўлган муносабати кадрларда ўз аксини топган. Мазкур кадрлар миллий кино санъатимизнинг илк лаваҳаси 1908 йилдаёқ суратга олинганини тасдиқловчи тарихий ҳужжат сифатида ҳам эътиборга лойиқдир.

Куни кеча Худойберган Девоновнинг шахсий архивдан топилган ҳужжатлар эса бу «суратчи-оператор»нинг фаолияти

1900 йилдаёқ бошланганидан дарак беради. Чунончи 1932 йилнинг 29 март куни Х.Девоновга тақдим этилган шаходатномада операторнинг 32 йиллик хизмати ҳақида илқ фикр айтади, (демак 1900 йилдан!) шу даврда мураббий шоғирдари - ёш фото-кино ходимлар тилга олинади. Мазкур «Шаҳодатнома»нинг асл нусхаси сақла-



ниб қолгани, авволам бор миллий маданиятимиз, қолаверса кино санъатимиз учун катта воқеадир. Зеро қора сийёҳда ёзилган, муҳр қўйилган бу ҳужжат Худойберган Девоновнинг фаолияти 1900 йили (айрим Оврупаликлардан, жумладан рус «синематографчилари»дан олдин!) бошланганини тасдиқлайди. Шундай экан, бўлиб кинонинг пайдо бўлишини 1925 йил (Шайхонтоҳурда «Шарк юдузи» кино ширкати ташкил этилган сана) билан боғлаш нотўғри бўлади. Чунки миллий киномизнинг биринчи кадрлари бундан чорак аср олдинроқ пайдо бўлганлиги тўғрисида бугун ишончли манбаларга эгамиз.

Менга қолса, ўзбек киносининг байрамини ҳар йили Наврўз тантаналари билан боғлиқ ҳолда ўтказиш керак. Ҳозир топилган икки ҳужжат (бири «Гувоҳнома», иккинчи «Шаҳодатнома») 1932 йилнинг Наврўз кунлари ёзилгани ва уларда Девонов ижодини бошлаган 1900 йилга ишора қилингани улғайём кунлари Х.Девоновнинг тўйи ўтказилгани ҳақида аниқ фикр юритишга имкон беради.

— Ўзбек оператори кино сирларини кимлардан ўрганган? Янги маълумотлар бу ҳақда

мулоҳаза қилишга ҳам ёрдам берадими?  
— Энг нозик, мураккаб масалалардан бири бу. Анча йиллар муқаддам Х.Девонов ҳақида биринчи мақолани ёзиб нуфузли ҳужжатлардан бирига тақдим этганимда, унинг муҳаррири «Худойберган кино техникасини немис ва французлардан ўрганган» дебсиз. Келинг, шуни «руслардан ўрганган» деб ёзаверайлик. Ёшсиз, бошнингизга бало орттирмаманг!» деб қолди. Бу нашрни мен жуда хурмат қилардим, (ҳозир ҳам шундай) лекин фикримда қаттиқ туриб олдим. «Хивада бўлдим, Красногорскда филмлари бирма-бир кўрдим. Шундай хулосага келдим: Худойберган Девонов Хоразмга келган «Панор бува»

исмли немисдан камера билан муомала қилишни ўрганди, француз «гастролерларидан» «Патэ» камерасини сотиб олди (дарвоқе, у ҳозир ҳам Хива музейида сақланиб келинмоқда).

Тез орада ўқишга кетиб қолдим... Бир мунча вақт ўтиб мақоламни журнал саҳифасида ўқидим. Унда ўзимнинг эмас, муҳаррирнинг сўзлари ёзилган эди. Энди мустақиллик тўғрисида янги маълумотлар олиш имкони туғилганида, бизга зарур бўлган ҳужжатлар топилганида 60-йилларда ҳақ гапни айтганимга яна ишонч ҳосил қилдим. Чунончи, рус кинематографияси 1908 йилдан махсусот бера бошлаган. Девонов эса 1900 йилдаёқ ўз ижодини бошлаганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд. Бинобарин, ўзбек оператори Париждан ака-ука Люмьерлар (кино ихтирочилари) Туркистонга юборган «синематографчилар»дан тасма, аппарат сотиб олган (Худойберганнинг отаси хон саройида ишлаган, демак, моддий жиҳатдан таъминланган). Сотувчилар - французлардан кинокамера билан муомала қилишни ўрганган, тасма, химикатлар олган. Бу ўринда мен рус кино санъаткорларининг 30-40 йиллардаги хизматларига соя ташлашни истамас эдим. Уларнинг айримлари юртимизга меҳр қўйган, маданиятимизни ўрганган ва «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра», «Насриддин саргузаштлари», «Алишер Навоий» каби дурдона асарларни яратишда режиссёр, шеър муаллиф, оператор, актёр сифатида ибратли ишлар ҳам қилганлар, айни бир вақтда улар ўзбек ҳамкасбларидан ижрочилик санъати, шарқ маданияти сирларини ҳам ўрганганлари маълум.



— Худойберган отанинг яна қандай ибратли ишларига «гувоҳлик» қилади бугун топилган ҳужжатлар, фото суратлар, кино кадрлар?

— 1936 йил 1 октябр куни Худойберган Девонов номига берилган «Гувоҳнома» бу санъаткор фақат Хоразмдагина эмас, Қорақалпоғистонда ҳам фаолият кўрсатганини тасдиқлайди... 1928 йил 15 январда бу операторга берилган ҳужжат «Ўзбек давлат киноси» (яъни киностудия) Х.Девоновни ўз ходими сифатида қадрлаганини кўрсатади. Бу икки ҳужжат биринчи ўзбек кинематографчисининг фаолияти серқирра бўлганини, у киностудия билан, газета ва журналлар таҳририятлари билан мунтазам алоқа ўргатганини кўрсатади.

— Янги ҳужжатларни ўрганиш жараёнида қандай хулосаларга келдингиз?

— Ўрганиш, ўзлаштириш, олдин топилган хат, фото, кинокадрлар, хотиралар билан қиёс қилиш давом этмоқда. Лекин икки хулосамизни, тақлифимизни айтса бўлади. Аввало Х.Девоновнинг меросини кенгроқ қаровда муттаассил татқиқ этиш лозим. Изланиш юртимиздагина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам олиб борилиши даркор. Қайси давлатнинг филмотекасида Худойберган Девонов кадрларини излаш кераклигини яна бир марта аниқламоқдамиз. Бунда, айниқса Хоразм вилояти ҳокимияти ташаббус кўрсатиши, сафарларга бориш, кино ва телефилмлар суратга олиниши, рисолалар ёзилиши ва чоп этилиши учун шарт-шароит яратишда фаоллик кўрсатиши зарур. Бу Худойберган ота хотирасини олдидаги бурчимиздир.

Сухбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.

# БУЮК АЛЛОМА ҚАДАМЖОЛАРИДА

Буюк аллома, ислом ҳуқуқшунослигининг отаси, нодир истеъдод эгаси Бурхониддин ал-Марғиновичнинг «Ал-Хидоя» шохвалудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилляпти. Шаҳар маркази, маданият ва истироҳат боғи, Марғилон темир йўли шохбекати худудларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Меҳнат ва ўқув жамоаларида, маҳаллаларда таниқли олимлар, уламолар ва ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил этиляпти.

Шаҳар ҳокимлиги Бурхониддин ал-Марғинович жамғармасини ташкил этди. Ҳокимлик ва жамғарма ташаббуси билан шу йил 8-15 март кунлари Бурхониддин ал-Марғинович ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида аллома қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедицияси ташкил этилди. Экспедициямиз аъзолари Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида бўлдилар. Идора кутубхона-

сида сақланаётган қадимий қўлёзмалар, шунингдек, Бурхониддин ал-Марғиновичнинг «Ал-Хидоя» шохасари кўчирилган қўлёзма билан танишдилар. Тошкент Давлат Шарқшунослик олийгоҳи олимлари билан суҳбатлашдилар. Ҳазрат Аҳмад Ясавий марказида жойлашган Туркистон шаҳрида бўлдилар. Самарқанд ва Бухорода улғу бобокалонимиз қадамжоларини зиёрат қилдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими, Археология институти, Самарқанд ва Бухоро Давлат Университетлари олимлари ва таниқли уламолар билан учрашиб, Бурхониддин ал-Марғинович ҳаёти ва асарлари ҳақида янги маълумотлар тўпладилар. Исмоил ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратгоҳларини тавоф этдилар. Олимлар билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, илмий рисолалар тайёрлаш ва чоп этишга киришилди.

Ўқтамжон ЭШОНБОЕВ,  
Бурхониддин ал-Марғинович  
Марғилон шаҳар жамғармаси раиси.

## Футбол

### МАЙДОНДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ



Мамлакатимиз 9-миллий чемпионатининг олтинчи тур учрашувлари ҳам ўтказилди. Ушбу мавсумда олий табақага қайтган «Гулистон» ўз майдонида Нукуснинг «Турон» жамоасини қабул қилди. Хабарингиз бўлса, гулистонликлар бешинчи турда «Хоразм» жамоасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ўзларининг биринчи ғалабаларини қўлга киритган эдилар. Ғалабадан руҳланган «Гулистон» футболчилари биринчи бўлимда ҳужумкорона ўйин кўрсатдилар. Бирок, танаффусга бир дақиқа қолган дағина улар ҳисобни очигиша муваффақ бўлдилар. Иккинчи бўлим ҳам майдон эгаларининг устунлигида ўтди. Натижада ҳисоб 5:0. Бу ғалабадан сўнг гулистонликлар 6 очко тўплаб, сўнгги ўринни тарк этдилар.

Турнинг қолган учрашувларида эса қўйидагилар: натижалар қайд этилди:  
«Самарқанд-Д» - «Бухоро» — 4:2  
«Пахтакор» - «Металлург» — 2:0  
«Зарафшон» - «Қизилқум» — 2:0  
«Сўғдиёна» - «Хоразм» — 1:0  
«Семурғ» - «Трактор» — 1:1  
«Кимёгар» - «Сурхон» — 1:1  
«Темирйўлчи» - «Андижон» — 1:1  
«Навбахор»нинг «Нефтчи» билан учрашуви наманганликлар жамоасининг Осиё кубок эгалари кубогини ўйинларини қўлга киритишда иштирок этишга жўнаб кетганлиги муносабати билан кечиктирилди.

т. ЮСУПОВ.

### 6 турдан сўнг жамоаларнинг жадалда тутган ўрни

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«ДЎСТЛИК»	6	4	2	0	12-5	14
«НАСАФ»	6	4	1	1	11-4	13
«ТРАКТОР»	6	4	1	1	12-6	13
«ЗАРАФШОН»	6	4	1	1	9-7	13
«НАВБАХОР»	5	3	1	1	9-3	10
«САМАРҚАНД-Д»	6	3	1	2	10-6	10
«НЕФТЧИ»	5	3	1	1	9-5	10
«СУРХОН»	6	3	1	2	12-9	10
«АНДИЖОН»	6	2	3	1	8-8	9
«СЎҒДИЁНА»	6	2	2	2	6-7	8
«МЕТАЛЛУРГ»	6	2	2	2	5-7	8
«СЕМУРҒ»	6	2	1	3	11-10	7
«ПАХТАКОР»	6	2	1	3	7-8	7
«БУХОРО»	6	2	1	3	7-9	7
«ГУЛИСТОН»	6	2	0	4	7-12	6
«ҚИЗИЛҚУМ»	6	2	0	4	5-13	6
«ТЕМИРЙЎЛЧИ»	6	1	2	3	9-10	5
«КИМЁГАР»	6	0	3	3	4-10	3
«ХОРАЗМ»	6	1	0	5	2-8	3
«ТУРОН»	6	0	2	4	4-12	2

фаларни юқлайди. Апрель ойидан бошлаб малакали мутахассислар вилоятларимиз бўйлаб, ўзда барча тиббий жиҳозларни муҳассас этган «Нурафшон» кўча клиникасида йил давомида ёрдам кўрсатиш билан машғул бўлади. Шифо масканида хиралашган кўзларни кўзойнақ тақмасдан бемалол юришлари учун даволашни янги усулни жорий қилинмоқчимиз. Дарвоқе, шу йилнинг ноябрда юртимизга «Орбис» халқаро меҳр-шафқат «учувчи клиникаси» учинчи марта келади. Улар билан бир ой давомида офтальмолог ва ҳамшираларимизни ўргатиш дастури амалга оширамиз. Қолаверса, «учувчи клиника» республикамиздаги турли кўз касаллигига чалинган беморларни текин даволаш ишларини амалга оширади.

«Туркистон-пресс»

## Шифокор маслаҳати

# ЁРУҒ ЖАҲОНИМ МЕНИНГ

Халқимиз бебаҳо аъмолини ардоқлаш тўғрисида гап кетганда «Кўз қорачиқдай асра» ҳикмати бежиз ишлатмайди. Зеро, кўз инсон вужудида энг нозик ва ноёб аъзо ҳисобланади. Шу маънода Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси ходимлари эл соғлиғи — юрт бойлиғи деган олий мақсадни амалга ошириш учун астойдил бел боғлаганлар. Бош шифокор Клара Валиева «Туркистон-пресс» муҳбирига шифо масканида кейинги пайтда эришилган ютуқлар хусусида шундай деди:

ли кўз касалликларини даволашда ҳам тубдан бурилишлар юз берди. Кўз инсон танасидаги барча аъзолар билан узвий боғлиқ бўлиб, улардаги салбий ўзгаришнинг таъсири маълум маънода унда акс этади. Кўрув органида қовоқ ва кўз ёши аппарати хасталиғи, кўз шиллик пардаси яллиғланиши (конъюнктивит), шох парда, глаукома, түр парда ва кўрув нерви ҳамда кўз мушак аппаратлари каби касалликлари кузатилади. Биргина шох парданинг ўзида 150 турдаги касалликлар мавжуд. Ушбу хасталиқларнинг аксарияти тузма, ташқи муҳит таъсири, оғир меҳнат шароити ҳамда организм зўриқиши оқибатида келиб чиқади. Утган йили шифохонамизга турли кўз касал-

лика чалинган 61 мингдан кўпроқ бемор муружаат қилишди. Уларнинг қарийб ярмини ёшлар ташкил этаётгани ачинарли ҳол, албатта. Замонавий жаррохлик усулида беш ярим минг нафар куришдан маҳрум бўлган беморларнинг кўзига нур қайтди.

— Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик тўғрисида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.  
— Америкалик етук кўз шифокори Жон Пайк тиббий жиҳозлар ҳамда сунъий гавҳарларни шифохонага совға сифатида тақдим этиб, 1998 йилда шифохонамиз ходимларига 10 кун давомида замонавий тиббий асбоб-ускуналарни қўллаш услубини ўргатди. 1999 йилда эса, клиникамиз қошида аме-

рикалик мутахассислар билан ҳамкорликда «Кристалл» қўшма корхонаси фаолият юрита бошлади. Унинг кулайлиги шундаки, катаракта ва глаукома каби дардга чалинган беморларни Ўзбекистон ва Америка шифокорлари замонавий тиббий ускуналар ёрдамида янги усулдаги жаррохлик йўли билан 2-3 соатда бутунлай куриш қобилиятини тикляпти.

Шунингдек, шифохонамизда Умумрощио Уфа кўз касалликлари пластик хирургияси марказининг шохобчасини очиб режалаштирилган. Мазкур режалани амалга оширсак, автохалокат ва шунга ўхшаш ҳолатларда оғир жароҳатланганлар косметик жаррохлик йўли билан шифо топилади. Январ ойида

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимуҳаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмулий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий аалди 14.002 нусха. Сотувида эркин нархда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 22.00  
Буюртма Г-294. 1 2 3 4 5 6